# Qishloq HAYOTI

2003 yil 13 iyun, juma

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№76 (6.601). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА




ТИЛЛАРДА ДОСТОН ЮРТ (1-4-саҳифаларда)

ҚИНҒИРЛИКНИНГ ҚИЙИҒИ ЧИҚДИ (1-2 саҳифаларда)





ИСРОФГАРЧИЛИК ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА (1-2-саҳифаларда)





**● Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма ҳамкорлигида «Динлараро мулоқот - барқарорлик асоси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Ўзбек миллий академик драма театрида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» бўлиб ўтди.**

**● Ёшлар театрлари, рақс ва мусиқа «ҲУМО» учинчи халқаро фестивали доирасида Ўзбекистон Ёшлар театрида «Сўғдиёна» миллий чолғу асбоблари камер оркестри концерти бўлиб ўтди.**

**● «Хива нақшлари» фольклор-этнографик гуруҳи аъзолари ўз ижодий фаолияти давомидаги энг узоқ сафарлардан бирига йўл олди. Улар Жанубий Корея пойтахти - Сеулда очиладиган халқаро мусиқа фестивалида иштирок этади.**

**● Жондор туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги пудратчиси Ўктам Ўғлоновнинг 5,7 гектар майдондаги арпа майдонига «Кейс» тушди.**

**● Тиббиёт ходимларининг касб байрами арафасида Конимех туманидаги «Шўркўл» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Қатағон» овули аҳолиси қурувчилардан ажойиб совға олди. Мазкур овулда яшовчи қарийб икки минг нафар аҳоли қишлоқ врачлик пунктидан фойдаланиш имконига эга бўлди.**

**● Гулистонда янги болалар спорт маркази очилди. Марказ собиқ "Динамо" спорт мажмуи ҳашар йўли билан қайта таъмирлангандан кейин пайдо бўлди.**

**● Янгиердаги йирик маҳаллалардан бири Абдураҳмон Жомий маҳалласида янги гузар очилди. Шунингдек, Мирзаобод тумани "Оқ олтин" ширкат хўжалигидаги "Оқ олтин" маҳалласи аҳолиси ҳам ўз гузарига эга бўлди.**

**● Тошкент республика Маданият ишлар вазирлиги, халқ ижодиёти ва маданий ишлар илмий-услубий маркази ҳамда болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида "Маънавият, маърифат, аҳлоқ" мавзуида республика фотокўргазмаси очилди.**

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**(Вазирлар Маҳкамаси қарорига шарҳ)**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилишга қабул қилинган фуқароларнинг ҳарбий йиғинини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Таъкидлаш жоизки, сафарбарлик чақируви резерви Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилишда яна бир муҳим қадам бўлди.***

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида хизмат тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ихчам, замонавий қурол ва техника билан жиҳозланган армия ва ҳаракатчан, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳамда етарлича таъминланган ҳарбий бўлинмаларни шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Қўшинларнинг ташкилий-штатлар тузилмаси ўзгартирилди. Энди унга биноан шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар улуши сезиларли ошмоқда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар сони эса қисқармоқда. Шу билан бирга армияни замонавий қурол-аслаҳа ва техника турлари билан қуроллантириш, қўшилмалар ва қисмларнинг жанговар тайёргарлигини такомиллаштиришга доир устувор вазифалар белгиланди. Ҳарбий хизматчилар, аввалламбор, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шунингдек, фуқароларни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда ошкора ва холис равишда ҳарбий хизматга чақириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Хизмат муддати 1 йилгача қисқартирилди.

Армияни кадрлар билан тўлдириш амалиётида ҳарбий хизматга аввалги йилларда эҳтиёж бўлмагани боис чақирилмаган юз минглаб ўсмирлардан иборат «талаб этилмаган чақирув ресурси» деган тушунча барҳам топди. Ҳозирги вақтда ҳарбий хизматни кечиктириш ҳуқуқи, ундан озод этиш учун бирон бир асосга эга бўлмаган 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган барча фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резервига чақирилади.

Шу муносабат билан сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий йиғинларни самарали ташкил этиш бўйича қарорда кўзда тутилган чора-тадбирлар Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Чақирув комиссиялари қарорига биноан сафарбарлик чақируви резервига чақирилганлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳар қандай вақтда Ватанимизнинг муқаддас сарҳадларини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун улар ҳарбий хизмат сирларини яхши ўзлаштириши, ҳарбий қурол-аслаҳа ва техникадан фойдаланишни яхши билиши керак. Ушбу муҳим масалалар ойлик ҳарбий йиғинлар давомида ҳал этилиши лозим. Ёш йигитлар ушбу йиғинларни ўтагач, Ватанни сўзда эмас, амалда ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Улар ҳарбий хизмат қийинчиликларини бошдан кечирганидан сўнг Қуролли Кучларга даҳлдорлигини ҳис қилади, армияни ўзининг уйи деб ҳисоблайди. Ёш йигитлар бир ойлик ҳарбий йиғинларда яхши жисмоний ва ҳаётий мактабда чиниққандан кейин ўз уйларига қайтиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига қабул қилинади.

Ҳарбий йиғинларга ёш йигитларни танлаш мудофаа ишлари бўлимлари томонидан туманлар (шаҳарлар) чақирув комиссиялари билан ҳамкорликда ушбу йиғинларга жалб қилинаётган шахсларнинг соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, маълумоти ва мавжуд фуқаролик мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Йиғинлар ҳудудий тамойил бўйича Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари базасида, яъни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ва яшаш жойига яқин тегишли ҳарбий қисмларнинг ҳарбийлар шаҳарчаларида ўтказилади.

Шунингдек, ҳарбий йиғинларни ўтказиш учун махсус ҳарбий тайёргарлик дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур ташкилий тадбирлар ҳисобга олинган ҳолда 30 кунга мўлжалланган бўлиб, умумҳарбий низомлар, миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий хизмат асосларини ўрганиш, ўқ отар қуроллар қисмларини ўзлаштириш, ундан отиш кўникмаларини эгаллаш бўйича назарий ва амалий машғулотлар, дала тактик машғулотлари ўтказиш, шунингдек, ёшларнинг жисмоний чиниқишини таъминлайдиган ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича тайёргарликни ўз ичига олади.

Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда фуқароларни сафарбарлик чақируви резервига қабул қилишда улар тўлайдиган маблағлар ҳам йиғинларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ катта миқдордаги сарф-харажатларни қоплаш манбаларидан бири ҳисобланади. Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг қайд этилган маблағлари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш ва уларни таъминлаш, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервига қабул қилинган шахслар билан ҳарбий йиғинлар ўтказишга сарфланади. Ушбу маблағлар ҳисобидан жорий йилнинг 1 июлидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти икки баравар ва ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдори 20 бараварга оширилади. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш учун 2 миллиард сўм йўналтирилди. Шунингдек, махсус ҳисоб-рақамидаги маблағларнинг маълум қисми ҳарбийлар шаҳарчалари инфратузилмасини, сафарбарлик чақируви резерви йиғинларини ўтказиш жойлари, ўқув-моддий базани ташкил этиш ва кенгайтириш, сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқароларни кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар билан таъминлашга йўналтирилади. 2003 йилда ушбу мақсадлар учун 1,6 миллиард сўм ажратилади.

Қонунчиликка мувофиқ ҳарбий йиғинлар иштирокчилари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаролар учун белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

Ўттиз кунлик йиғинда ҳарбий тайёргарлик дастурини муваффақиятли ўзлаштирган фуқароларга ҳарбий гувоҳномалар берилади. Шу тариқа улар ҳарбий тайёргарликдан ўтган ва мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган шахслар ҳисобланади ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган тегишли имтиёзларга эга бўлади. Шунингдек, юқорида қайд этилган фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш ёки ишга кириш, сержантлар мактаби, олий ҳарбий-ўқув билим юртларига ўқишга кириш, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур қарорда ҳарбий йиғинларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округлари ва Бирлашган штаб қўмондонлиги зиммасига юклатилган. Ҳарбий йиғинларга жалб қилинган фуқаролар қўшилмалар ва қисмларнинг тажрибали офицерлари, мутахассислари ва командирлари раҳбарлиги ҳамда назорати остида жанговар тайёргарликдан ўтади.

Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш доирасида сафарбарлик чақируви резервига қабул қилинган фуқароларнинг ҳарбий тайёргарлигини ташкил этишга доир ўтказиладиган тадбирларнинг давлат учун аҳамиятини ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокимига ушбу қарорга мувофиқ ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонларига ҳарбий йиғинларни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳарбий қисмларнинг ҳарбий йиғинлар ташкил этиладиган ҳарбийлар шаҳарчаларининг зарур инфратузилмасини яратишда аниқ ёрдам кўрсатиш топширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг сафарбарлик чақируви резервига қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг амалга оширилиши энг юқори замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифаларни тез ва самарали бажаришга ёрдам беради.



**Боғот туманидаги Машарип Кувоқов номли ширкат хўжалиги пудратчиси Римажон Саидаметовани кўпчилик фидойи инсон сифатида ҳурмат қилади. У пахта етиштиришнинг хадисини олган. Айни кунларда Римажон ғўза парваришида қатнашиб, бу борада барчага намуна бўлаяпти.**

**СУРАТДА: Римажон Саидаметова.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

***Ширкат хўжалиги раиси машинадан тушиб, идорага йўл олган ҳамоно, рўпарасидан навбатчи чиқди. "Бошқармадан қўнғироқ қилиб огоҳлантириб қўйишди. Туманга Фалончиев келган эканлар. Хўжалигимиз томон йўлга чиққанлар". Бу хабар дала айланиб келаётган раиснинг энсасини қотирди. Қўлидаги соатга қаради: тушликка ярим соатча вақт бор.***

## МЕҲМОНДАН БЕЗГАН РАИС

"Вақтини зап топишибди. Улар билан бир-икки пудратчилар даласини кўрар-кўрмас тушлик пайти бўлади. Уларни бир пиёла чойга таклиф қилмаса бўлмайди..." Раиснинг кўнглидан бир зумда мингта ўй кечди. Унинг аҳволини тушунса бўлади. Хўжаликка кун ора меҳмон келади. Тўғрироғи, меҳмон эмас, турли-туман комиссия аъзолари, мутахассислар, бошқарманинг катта-кичик раҳбарлари. Бирови экин-тикин ишлари билан қизиқса, бирови сувдан қандай фойдаланилаётганини текширмоқчи бўлади. Вазият тақозосига кўра, уларга ҳамроҳлик қилган раис, бош ҳосилот ёки муҳандис меҳмонларни чойга таклиф этмай қолмайди. Баъзан "ҳақ бериш" бош пудратчи чекига тушади.

Сир эмас, ҳозир икки-уч кишини ошхонага бошлаб келишнинг ўзи бўлмайди. Бош пудратчи ўзига тўқ фермер эмаски, чўнтагидан беш-олти сўмни шартта чиқариб ташласа. Аммо раис... бу бошқа гап. Ҳар ҳолда ҳозиргача фалончи раис ҳовлисидаги буқасини сотиб, меҳмонларига зиёфат берибди, деган гапни эшитганимиз йўқ.

Дарвоқе, яқинда танишларимиздан бири шундай воқеани айтиб берди: хўжалик раиси ошхоналардан бирида юқоридан келган уч-тўрт нафар меҳмонга зиёфат уюштириб, улар кўнглини олган. Меҳмонларни кузатиб қўйгач, ошхона эгасига юзланиб: "Пулини дафтарингга ёзиб қўй, кейин оласан", деган. Насияга чой бераверив, тоқати тоқ бўлган ошпаз: "Дафтарга ёзгани жой қолмади, инсоф ҳам керак-да", деса, раис: "Буғдой пишиғида ҳаммасини ҳисоб-китоб қиламиз", деган-у жўнаб қолган.

Гап нима ҳақида бораётганини англаган бўлсангиз керак. Нима бўлганда ҳам раисни айблаш фикридан йироқмиз. Фақат баъзи хўжалик раҳбарларининг андиша қилиши, меҳмоннавозлиги ўша жамоа қаддини тағин-да букиб қўймаяптимикин, деган мулоҳаза билан ушбуни қоғозга туширдик.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

# "ОТЧОПАР БОР, ЧАВАНДОЗ ЙЎҚ, ТУЛПОР ЙЎҚ"

***Газетамизнинг 2003 йил 22 апрел сонида "Отчопар бор, чавандоз йўқ, тулпор йўқ" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Ғиждувон туманидаги Отчопар ўйингоҳининг қаровсиз ҳолга келиб қолгани танқид остига олинганди.***

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Таҳририятимизга ушбу мақолада кўрсатилган муаммони ижобий ҳал этиш юзасидан Бухоро вилояти ҳокимлиги жавоб хати йўллади. Унда жумладан шундай дейилади: "Ҳақиқатан ҳам, 12 гектарни эгаллаган Ғиждувон отчопар ўйингоҳи ҳозирги кунга келиб, ўзининг аввалги қиёфасини йўқотган. Анча вақтдан бери бўш ётган ўйингоҳ Ғиждувон тумани ҳокимлиги томонидан мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман бўлими ихтиёрига берилган.

"Ватанпарвар" ташкилоти вилоят Кенгаши ёрдами билан ўйингоҳ атрофлари асфальтланиб, картинг мусобақалари ўтказишга мўлжалланган. Бу ерда 2002 йили картинг бўйича республика миқёсида ёшлар ўртасида мусобақалар ўтказилган. Шунингдек, жорий йилнинг 15-16 июн кунлари картинг бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатини ўтказиш режалаштирилган.

Вилоят ҳокимининг 2003 йил 30 апрелдаги 38-сонли "Вилоят ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тасарруфидаги 2-сон от спорти мактабига юридик шахс мақомини бериш тўғрисида"ги қарорига асосан Ғиждувон отчопар ўйингоҳининг аввалги нуфузини тиклаш ва туманда от спортини ривожлантириш бўйича вилоят ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Ғиждувон туман ҳокимлиги Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги юбилейини нишонлаш арафасида отчопар ўйингоҳини таъмирлаб, ёшларимизни миллий спорт турларига жалб қилиш чораларини кўрадилар.

**М.БЎРОНОВ,**
**Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари".**


**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**


# САМАРҚАНД САФАРИ

***Самарқанд дунёнинг энг гўзал ва донгдор шаҳарларидан бири. Унинг жозибаси жуда зўр – уни бир кўрган одам умрининг охиригача бу шаҳарнинг тароватию латофатини унута олмайди. Ўқтин-ўқтин уни яна кўргиси келаверади.***

**САЁҲАТНОМА**

Йўқ, Самарқанд дунёдаги баъзи бир шаҳарлар каби мегаполис эмас, яъни унда 15-20 миллионлаб одам истиқомат қилмайди. Самарқандда юз қаватли иморатлар ҳам йўқ. Унинг тарихий обидалари бор, лекин очиғини айтганда, улардан қолишмайдиган обидалар бошқа шаҳарларда ҳам бор. Шундай бўлсада, Самарқанд қандайдир ўзининг бетакрор жозибаси билан ажралиб туради. Бу гапларни ўз юртига маҳлиё бўлган бир калтабин одамнинг мақтаниши, деб ўйламанг. Самарқанднинг фазилатлари мендан олдин ҳам дунёнинг кўпгина бурчакларидаги не-не алломаларга, манаман деган шоирларга, қалами ўткир адибларга, қилни қирқ ёрадиган муаррихларга, доно ва қудратли давлат арбобларига яхши маълум бўлган. Самарқанд ҳақида қанчадан-қанча шеърлар ёзилган, тарихий асарлар бағишланган. Ҳатто атоқли француз ёзувчиси Жюль Верн ўз романларидан бирини Самарқандга бағишлаган. Самарқандга келган сайёҳлар шаҳар ҳақидаги таассуротларини жаҳон бўйлаб таратганлар ва бу таассуротлар бири биридан чиройли ривоятларга, афсоналарга айланган. Не бахтки, бу улуғ шаҳар дунёнинг бошқа бирор бурчагида, бошқа бир бегона ўлкада эмас, менинг юртимда жойлашган. Унга бормоқ учун виза-пиза деган нарсаларнинг ҳожати йўқ, минглаб чақирим масофаларни пиёда-яёв ёки бирон уловда ўтиш ҳам керак эмас, жарақ-жарақ пуллар сарфлаш ҳам талаб қилинмайди. Ўз юртинг – ўлан тўшагинг.


**(Давоми 4-бетда)**


**ТААССУФ**

***Ўтган хўжалик йилида Сирдарё вилоятида пахтачиликда белгиланган шартномавий режалар ўлда-жўлда қолиб кетди.***

# ЎҒИТ ОМБОРИДАГИ ОЛҒИРЛАР

Бунинг асосий сабабларидан бири ерни, экинларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришдаги бошбошдоқлик, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" давлат акциядорлик бирлашмаси тизимидаги ўғит тарқатиш базалари, шохобчалари ва савдо дўконларида жиддий қонунбузилишлар ва талон-торожликларнинг авж олиши ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Бирлашма томонидан ер эгалари билан тузилган шартномаларга асосан минерал ўғитларни муддатида етказиб берилишига панжа орасидан қаралди. Оқибатда экинлардан кутилган ҳосилни олишга бу ҳолат салбий таъсир кўрсатди. Масалан, ўтган 2002 йилдаги 144000 гектар кузги шудгор учун 16110 тонна фосфорли ўғитлар умуман етказиб берилмаган. Лекин "Қишлоқхўжаликкимё"дагилар ўтган йилги хатолардан сабоқ чиқармаганга, пушаймон бўлмаганга ўхшайдилар. Чунки тармоқдаги парокандалик бу йил ҳам давом этаётганлиги бунга далилдир. Вилоят бўйича эрта баҳорда 6000 гектар плёнка остига чигит экиладиган пахта майдонларига 6940 тонна фосфорли ўғитлар талаб қилинса-да, амалда 1357 тоннаси ёки бошқача таърифлаганда, унинг 15,2 фоизигина етказиб берилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?


**(Давоми 2-бетда)**


**АГРАР СОҲА:**

# МУАММО ВА ЕЧИМ

*(Биринчи мақола)*

***Республикамизда пахтачилик, ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асосларини яратишга Пахтачилик илмий-тадқиқот институти, унинг вилоятларидаги филиаллари, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси, Қорақалпоғистон деҳқончилик, Андижон ғаллачилик институти, Ғаллаорол бўлими жамоалари ўз ҳиссаларини қўшдилар.***

**ЖАРАЁН**

Ушбу институтлар олимлари томонидан олиб борилган 80 йилдан ортиқ илмий-тадқиқот ишларининг самараси натижасида ўрта-ингичка толали ғўза навлари селекцияси ва уруғчилигининг назарий, амалий асослари ишлаб чиқилиб, шу асосда истиқболли янги навлар яратилди ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бу жараёнда турли хил генетик, селекция услубларидан-популяцион генетика, экспериментал мутогенез, узоқлашган тур ичида ва турлараро нав, тизма, тизмалараро дурагайлаш ва навлараро якка танлаш, қайта танлаш услубларидан кенг фойдаланилди. Барча ишлар минтақалар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиб, генетика, физиология, биотехнология, пахта толаси технологияси ҳамда дон сифати, биология - агрономия фани янги ютуқлар билан бойитилди.

Иқтисодни мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашда дон мустақиллигига эришиш муҳим мезон эканлиги Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан белгилаб берилган бўлиб, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор қарорларда ўз ифодасини топмоқда.


**(Давоми 3-бетда)**


**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

***Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам иқтисодий ислоҳотлар жараёни чуқурлашиб бормоқда.***

# ҲАВОГА УЧГАН ЁНИЛҒИ

Жумладан, аграр соҳада ҳам мулкчилик шаклининг ўзгарганлигини таъкидламоқ жоиздир. Бунга ҳозирги кунда самарали фаолият юритаётган минглаб фермерларни мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо ҳар қандай фермер ва деҳқоннинг ҳам техника воситаларисиз бирор жиддийроқ натижаларга эришиши қийин.

Албатта, ёнилғи техниканинг "жон"и ҳисобланади. Усиз ҳар қандай техника бир қадам ҳам жилмаслигини ҳаммамиз биламиз. Ёнилғининг манбаи ҳисобланган нефт захирасининг ҳам адоғи йўқ, деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ундан оқилона, режали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

"Ўздавнефтгазинспекция"нинг Бухоро вилояти бўлими вакили Юсуф Каримовнинг билдиришича, у ердаги баъзи хўжаликларда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан фойдаланишда билибми, билмайми, жиддий хатоликларга йўл қўйилган.


**(Давоми 2-бетда)**



"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН


## КЕЛГУСИ СОНДА:


ТИЛЛА ТИШ ТАШВИШИ

КЛУБ ЁШЛАР ИХТИЁРИДАМИ?

АРҒУМОҚЛАР ФАРЁДИ




## "ЎЗИНГ БОНЖУР..."

***Элмурод шаҳардаги нуфузли ўқув даргоҳларидан бирига ўқишга кирди-ю ўзгарди. Юриш-туришиям, кийиниши ҳам, ҳатто гап-сўзлари ҳам бошқача бўлиб қолди. Чет тиллар институтида ўқиётгани учунми, таниш-билишлари билан гаплашганда, бир-иккита французча гап қўшмаса, кўнгли жойига тушмайдиган бўлди. Баъзилар эса унинг бу "камтарлигидан" кулиб:***

-Ҳали ўқишни битиргунча, ўзбекчаниям унутиб қўймасанг яхшийди, - деб ҳазиллашарди.

Бир куни қизиқ бўлди. Таътил пайти эди. Бир пайт савлатидан от ҳуркадиган қўшни хотин Салтанат хола Элмуроднинг сочидан чангаллаб "вой-вой"латганича отасининг олдига олиб келди:

-Ҳай, қўшни! Ғирвайиб ётгунча, манави бепарҳез ўғлингизга адаб берсангиз бўлмайдими? Э, садқаи эркак! Шаҳарда ўқитгунча, тузукроқ тарбия қилиш керак болани...

Холмурод ака ўрнидан сапчиб турди:

-Ҳа, янга! Тинчликми, ўзи?!

-Ўғлингиз мани сўкди. Сўккандаям ҳангилизчалаб сўкди, - жувон шундай дея Элмуроднинг сочидан қаттиқроқ тортган эди, болапақир чинқириб юбораёзди.

-Вой-вой-вой, оғрияпти-и! Қачон сўкдим сизни?

Холмурод акаям ўғлининг ёнини олди.

-Э, янга! Мани ўғлим шу топгача бировни сўккан эмас. Сўксаям тилини узволардим.

-Вой, мани ёлғончи қилманг, қўшни! Ман алдайманми? Манга? Ўз қулоғим билан эшитдим. Мана шу қулоққинам билан-а! Ҳангилизчалаб сўкинди, манави зумраша!

Холмурод ака энди ўғлига қараб ўшқирди:

-Нима деб сўкдинг, тирранча?

Элмурод амаллаб Салтанат холанинг чангалидан қутулди:

-Биринчидан, инглизчамас, французча, иккинчидан, сўкканим йўқ. Саломлашдим.

Икки қўшни "ялт" этиб бир-бирига қаради.

-"Бонжур, мадам", деганимни биламан, ҳай-ҳайлашимга қарамай, бу ёққа судраб келдилар.

Холмурод ака ўзини тутолмай кулиб юборди. Салтанат хола кулишини ҳам, куйишини ҳам билмай, ота-болага бир ўқрайиб, ортига қайтаркан ғудранди:

-Саломлашганмиш. Ўзларинг бонжурсанлар. Ҳе...

**Иқбол ҲУМОЮН**

## "МАЁВКА"ГА ОЛИБ ЧИҚМАЙМАН"

***Тўра малим ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини баҳор сайлига – "маёвка"га олиб чиқди. Боботоғ этагига. 27 нафар бола. Фақат биттаси – Самад жуда камтар. Жуда тортинчоқ. Яна камсуқум. "Маёвка" зўр бўлди.***

Қизғалдоқ теришди. Чучмома узишди. Футбол ўйнашди. 2-3 ўқитувчи ҳам яйради. Қирлар... яйловлар... ўт-ўланлар... ва қайтишди. Икки соат йўл юришиб, қоронғи тушганда қишлоққа етиб келдилар. Машинадан тушиб, ҳамма тарқайверди. Даҳшат! Бир ўқувчи йўқ! Самад кимсасиз, адоғсиз йўлда қолиб кетган! Ҳамма бор, Самад йўқ. Тўра малим қўрқувга тушди: Самад қандай йўқолиб қолди? Ёмон хабар тез тарқалди. Отаси бақираётир: ўғлим қани?! Онаси йиғлаётир: Болам қаерда қолди? Бутун қишлоқ безовта. Мактаб директоридан тортиб, ўқитувчигача - ҳамма тинчини йўқотди.

Тўра малим Самаднинг отаси билан кечаси яйловга жўнади. Ўша сайилгоҳга етдилар. Бақириб-чақирибдилар. Самад йўқ. Чўпонлардан ўтовма-ўтов сўрашди. У йўқ. Адир бўйлаб тўрт томонга сарсон елиб-югуришди. Нишона йўқ. Тонг отгунча излашди, йўқ. Тонг отди. Қўйлар, моллар бор. Қушлар бор, чўпонлар бор. Самад йўқ. Қани у? Қайга ғойиб бўлди? Тўра малим ҳолдан тойди. Қишлоқда шов-шув. "Самад йўқ. Самад топилмабди". Шумхабар қўшни қишлоқларга ҳам ўтди. Ҳамманинг кўзи мактабда, ўқитувчиларда, улар айбдордай. Яна кун бўйи қидирдилар. Қишлоқ оёққа турди: "Қани Самад? Қаерда қолди?"...

Самад адирда адашиб қолганди. Ўқувчилардан жуда узоққа кетди. Лекин синфдошларини тополмади. Рўпарасидаги уйга борди. Меҳрибон инсонлар экан. Меҳмон қилишди. Эртасига пешинда Самадни қишлоғига олиб келди...

Тўра малим Самадни қирқ йилдан бери кўрмагандек бағрига босди. Кўзидан ёш чиқиб кетди: "Ўқувчиларни энди ҳеч қачон "маёвка"га олиб чиқмайман", деди ичида.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?

***Муовин сиқувга олавергач, Аблаев ахийри инсофга келди. Ичкиликдан батамом тийилиб, рангига-ранг кириб қолди. Мажлисда омборчи билан ҳисобчининг пўстагини чунонам қоқдики, шўрликларга сичқоннинг ини минг танга бўлди.***

-Бўларкан-ку, - деди тарбиявий ишлар таъсиридан мамнун раис.

Аммо бурунлари туядай, ишкали бир қадаҳ уриштириш билан битиб юрган ферма мудирининг патагига қурт тушди. "Чорвага Аблаев келармиш" деса, зоотехникни безгак тутадиган бўлиб қолди.

-Тафтишқўм ҳаром ўлган бузоқларнинг терисини кўп сотасан, деб оёқ тираяпти. Ахир ўзингиз айтган анави гап бўйича...

Раис ветврачнинг товоқдай башарасига хушламай қараб, биркесар Аблаевни йўқлатди.

-Сиз юз фоиз ҳақсиз, - муроса оҳангида гап бошлади катта. – Локигин ўзингиздан қолари йўқ: комиссия, меҳмон, коробка, совға...

Аблаев бездай бўлиб индамай чиқиб кетди-ю, уч кун ўтса ҳам раисга "хушхабар" олиб кира қолмади. Унинг ўрнига хуноби ошган бош ҳисобчи тутоқиб кириб келди:

-Колхозда хўжайин ким ўзи, раис? Ревизор ишини тугатди, баччағарнинг машинаси одатдагидай бузуқ. Шуни кузата қолайлик деб бир йўлини қилсам, бу ёқда Аблаевни жин уриб...

-Қандай яхши одам эди-я, - деди раис ҳамиша сархуш юрадиган тафтишқўмнинг "қадрдон" афт-ангори ва "нурли дамлари"ни эслаб.

-Шуни айтинг, - бош чайқади "арзгўй". - Ўттиз йил ишлаб мунақа мўмин-қобил тафтишқўмни кўрганмасдик. Бунингизга бир бало бўлди ўзи.

-Ҳамма иллат ичкиликда, - деди "калавасининг учи"ни топган раис жиддий тусда. – Бугундан бошлаб Аблаев қанча ичса ичаверсин, иложи бўлса аввалгидан ҳам кўпроқ ичиринглар.

-Тўғри айтасиз, - деган бош ҳисобчи ва Аблаевни қидириб йўлга тушди.

**Рустамжон УММАТОВ**

## ГУЛПАРАСТЛАР

***Нўъмонжон тонг саҳарда ишга жўнайди, алламаҳалда қайтади. Эътибор бермабди. Туппа-тузук ҳовли, кунгирадор айвон ортидаги мўъжизгина чорбоғ бурганзорга айланибди.***

-Ҳай, ҳай, онаси, - деди хотини Раънохонга, - ким айтади, сизни ўзи, сўзи гул, гулпараст аёл, деб...

Раънохон эрининг ҳазиломуз гапи замиридаги "нимкоса"ни пайқади.

-Ширкатнинг ишиям бор бўлсин, - деди у, - шанба-якшанба куни ҳам иш чиқиб туради.

Нўъмонжон хотинига ҳам осон тутиб бўлмаслигини кўнглидан кечирди. У ширкат хўжалигида кадрлар бўлими бошлиғи. Қачон қарасанг, иши бошидан ошиб ётади. Ўз иши қолиб, жамоанинг катта-кичик ташвишлари билан куймаланиб юргани-юрган. Қушда тиним борки, бу бояқишда тиним йўқ. Хонадон соҳиби ана шунларни ўйлаб вазиятни юмшатишга уринди:

-Биламан, вақтингиз кам, лекин ўғиллар билан келинга нима бўлган? Бундоқ "ташаббус"ни қўлга олинг-да, хоним!

-Олма пишиб, тагига тушаркан, - деди Раънохон қошларини чимириб, - Зарифжон худди ўзингиз. Иш учун туғилган. Келинимиз Шаҳнозахон мактабдан ортмайди. Барака топсин, дарсдан чиқиб ҳовлини чиннидек қилиб қўяди. Шерзоднинг болалиги бор, ҳали ёш...

Аллақачон уйғониб, айвонда дадаси билан аясининг эрталабки "музокараси"ни эшитиб турган Шерзоднинг бу гапдан "орияти" қўзиди.

-Йўқса, бундай қиламиз, дада, - деди у пастга тушаркан, - ҳовлини ўртасидан бўламиз. Майли, биз иккимизга дарвозахонадан айвонгача, чорбоғ аям, акам ва келинойимларга. Ким ўзига қарашли ерга энг зўр гул кўчатларидан экиб, кўкартирса, ўшанга мукофот тайинласангиз, зўр бўларди-а, дада!

-Вой! – Раънохон "пиқ" этиб кулиб юборди. – Эркатойингизни гапини кўринг...

-Жиддий гапиряпман, - деди Шерзод катталардек салмоқлаб. – Хўш, дада, нима дейсиз?

-Маъқул-маъқул, - деди Нўъмонжон ўзини кулиб юборишдан зўрға тийиб.

...Шерзод ишни дарвозахонанинг олдидан бошлади. Ҳар хил гул уруғларини келтириб, экди. Униб чиқиши билан гул кўчатларининг бир қисмини ҳовлига кўчириб ўтқазди. Ҳадемай, ҳовли чаманзорга айланди-қўйди. Аммо "катта"лар ҳамон ўз иши билан андармон, чорбоғни эса ўт-ўлан босиб ётарди.

**2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

-"Кўргазмали семинар" қиламиз, - деди бир куни Шерзод дадасига, ишга отланиб турган акаси Зарифжон билан келинойиси Шаҳнозахонга ҳам атайин эшиттириб.

Келин-куёв бир-бирларига кулимсираб қарашди-ю, ишларига кетаверишди. Ҳайтовур Шерзоднинг "чапараста" гапи уларга таъсир қилган экан.

Орадан кўп ўтмай Нўъмонжон одатича тонг саҳардан уйғониб, чорбоққа кўз ташлади-ю, таниёлмай қолди. "Шу бизнинг чорбоғми?!", деб ўйлади. Дарахтлар таги, пайкал четлари гулга бурканган. Қизил, пушти, сафсар, оқ... Райҳон-у жамбил деганини айтмайсизми? Қаёққа қараманг, гул. Раънохоннинг айтишича, Шаҳнозахон тушмагур, Шерзоднинг ўша "ташаббуси"дан кейинроқ мактабдаги тажриба участкасига ҳар хил гул уруғларини экиб, парваришлаб юрган экан. Бир куни эрталабдан кечгача гул ташиб келибди. Зарифжон ҳам келишиб қўйилганидек, ўша куни ишдан эртароқ қайтибди. Раънохон қарашмоқчи экан, "ойижон, сиз қўяверинг, ўзимиз амаллаймиз", деб унашмапти. Келин-куёв бир бўлиб, ҳаш-паш дегунча чорбоғни гулхонага айлантиришибди.

Нўъмонжоннинг шу кунларда боши қотган. "Совринни кимга берса экан?" Шерзод билан ўзигами ё рақиб томонгами? Бу ҳақда Шерзоднинг фикрини сўраганда у: "Адолат билан бир қарорга келиш керак"лигини айтди. "Кичик прокурор"нинг бу гапидан ҳамма кулди. Шерзод мустақиллик тенгдоши. Яқинда 12 ёшга тўлади. У келгусида ҳуқуқшунос бўлмоқчи.

-Бундай қилсак, - деди шу пайт Раънохон, - ўз ишимизга ўзимиз баҳо беришимиз қийин. Шунинг учун холис ҳакам сифатида қудаларимизни чақирсак. Шу баҳонада кўришиб, бир пиёла чой ичамиз. Кимнинг гулзори чиройли эканига ўшалар баҳо беришса...

Хуллас, маслаҳат билан қудаларни меҳмонга чорлайдиган бўлишди. Шу кунларда Нўъмонжон Зокиров қудалар – азиз меҳмонларни кутиб олиш тараддудида. Азиз ўқувчи, сиз бу ажойиб ташаббускор, гулпараст хонадон соҳибларига қизиқаётган бўлишингиз мумкин. Нўъмонжон Зокиров Чуст туман ижтимоий таъминот бўлими мутасаддиларидан, Раънохон эса "Нурафшон" ширкат хўжалигида ишлайди. Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғини, Дуоба қишлоғида яшашади. Гулга, гўзалликка ўч одамлар. Бу хонадоннинг турфа гулзорини кўрмоқчи бўлсангиз Дуобага келаверинг, сизларни даста-даста гуллар билан кутиб олишади. Ташрифингиздан барча хурсанд бўлади.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ЎҒИТ ОМБОРИДАГИ ОЛҒИРЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Ахир кузда деҳқондан ҳосил талаб қилинса, у яна нима деб жавоб беради ёки унинг меҳнатини пучга чиқараётган таъминотчилар йўқотилган ҳосилнинг ўрнини қоплашга ваъда бердимикан?



**СУРАТДА: «Бахткимё» омборида саккиз тоннадан ортиқ олтингугурт кимёвий воситаси сув ичида қолган.**

Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда қонун талабларига риоя этилмаслиги, шартнома муносабатларининг бузилиши натижасида вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" АБнинг 2003 йил 1 январ ҳолатидаги 6 миллиард 846 миллион 717 минг сўмлик дебиторлик қарзининг 132 миллион 733 минг сўми, шунингдек, 7 миллиард 867 миллион 516 минг сўмлик кредиторлик омонатининг 196 миллион 466 минг сўми тўлов муддатлари ўтказиб юборилган. Тўғри, ҳозирги пайтда ушбу қарзларнинг катта миқдори ҳукуматимиз томонидан кечиб юборилган. Бироқ "ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширмаса ҳам бўларкан" қабилидаги кайфият охир-оқибат "қоронғи бино"га етаклаши мумкинлигини наҳотки "кимёгар"лар тушунишмаган?

Минерал ўғитларнинг сақланиши ва ишлатилишидаги назоратсизлик оқибатида ўтган 2002 йили 35 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 17 миллион сўмлик кимёвий озуқани талон-торож қилганлиги учун 42 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, 350 нафар киши эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Лекин нафс дегани балодур, не-не куйга солодур, деган гап бежизга айтилмаган экан. Кўплаб жиноятлар содир қилиниб, қанчадан-қанча масъул ходимлар жиноий қилмишларига яраша жазо олганликларига қарамасдан шу соҳада хизмат қилаётган раҳбар ва моддий жавобгар шахсларнинг бойлик орттириш йўлидаги иштиёқлари устун келиб, ҳамон халқ мулкига кўз олайтираётганларига нима дейиш мумкин.

Бунга жорий йилнинг ўтган қисқа даври мобайнида ҳам содир этилаётган кўплаб қонунбузарликлар, мулкни талон-торож қилиш ҳолатлари уларнинг қилмишларини яна фош қилмоқда. Ўтган саноқли ойлар ичида 27 миллион сўмлик 400 тонна ўғит талон-торож қилинган, 18 нафар шахс жиноий, 40 дан ошиқ киши эса маъмурий жавобгарликка тортилган. Балиқ бошидан сасийди, деганларидек, жиноий хатти-ҳаракатларнинг тепасида вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" АБнинг бош раҳбари турганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

2003 йил 26 апрел куни ўтказилган тадбир давомида Боёвут-Бекобод йўналиши бўйича ҳаракатланаётган, бекободлик Абдукарим Муллабоевга тегишли "КамАЗ" русумли юк машинаси кўрикдан ўтказилганда, унинг юкхонасида 1,5 миллион 12 минг сўмлик 9 тонна аммиак селитраси ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетилаётгани аниқланди. Яна шу нарса маълум бўлдики, бу ўғитни Боёвут туманидаги савдо дўкони мудири Алишер Эшонқулов шу туман "Қишлоқхўжаликкимё" АБ филиали омбор мудири Худоёр Нуралиевдан 225 минг сўмга сотиб олиб, бошқа бир фуқарога икки баробар нархда – 450 минг сўмга пуллаган экан.

Ҳозирда уларнинг ҳар иккаласи ҳам вақтинчалик эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган.

Бундан ташқари Ш.Рашидов туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги раиси Г.Тилягов 119 тонна селитра ва 120 литр "каратэ" кимёвий моддасини талон-торож қилиб, 5 миллион 855 минг сўмлик, Мирзаобод туманидаги "Оқолтин" ширкат хўжалиги бош ҳосилоти "Шодиёр" кичик корхонасига тегишли бўлган 9 тонна селитрани сохта ҳужжатлар билан ўзлаштириб, 513 минг сўмлик зарар етказган. Шу тумандаги "Қишлоқхўжаликкимё" АБ филиалига қарашли 2-шохобча омбор мудири Ф.Ҳошимов 2 миллион 594 минг сўмлик 2,5 тонна, тумандаги минерал ўғитлар билан савдо қиладиган дўкон сотувчиси Ш.Холматов 850 минг сўмлик 21 тонна 100 килограмм, 5-шохобча омбор мудири А.Маллиев эса 5 миллион 361 минг сўмлик ўғитни ўзларининг манфаатлари йўлида "туя" қилиб юборишган. Дилни хира қиладиган жиҳат шундаки, бу рўйхатни юзлаб минг сўмлик ўғитларни турли йўллар билан ямламай "ютиб" юборган мирзаободлик ўғитлар билан савдо қилувчи дўкон сотувчиси Ш.Холматов, меҳнатободлик 4-шохобча бошлиғи Х.Алибоев, 7-сонли шохобча мудири А.Раҳмоновлар мисолида янада узайтириш мумкин.

Айрим ҳолатларда эса ўғит олишга умуман алоқаси бўлмаган шахсларга сохта ҳужжатлар тайёрланиб, моддий бойликлар бериб юборилмоқда. Масалан, Меҳнатобод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Д.Юсупов исмли шахс "Даврa" ва "Олмос" фермер хўжаликларининг ишонч қоғози билан Янгиер туманлараро базасидан 2003 йил 14-15 январ кунлари 336 минг сўмлик 7 тонна селитрани олиб талон-торож қилиб юборган.

Жорий йилнинг 28 январида вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан Гулистон шаҳрида Р.Абдунаппов бошқарувидаги "КамАЗ" автомашинаси текширилганда ҳеч қанақа ҳужжати бўлмаган 2 миллион 800 минг сўмлик минерал озуқа Фарғона вилоятига "марҳамат" қилингани фош этилди. Афсуски, вилоят миқёсида бу сингари мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Орамизда ўз шаъни, қадр-қимматини билмаган, ватанпарварлик туйғусини ҳис этмаган айрим нопок кимсалар ҳам учрайдики, улар ҳатто тожикистонлик фуқаролар билан ҳам яширинча тил бириктириб, бугунги кунда ўзимизга, деҳқонларимизга сув ва ҳаводек зарур бўлган минерал ўғитларни чегараларимиздан айланма йўллар орқали ўтказиб юборишга уринадилар. Шундай келишувчанлик натижасида Тожикистон Республикаси Сўғд вилоятининг Зафаробод туманида яшовчи Адолат Асророва ва Фарҳод Очилдиевлар ўғитни сарҳадларимизнинг нариги томонига олиб ўтаётганларида "қопқон"га илинишган.

Вилоятнинг шу тармоғидаги муҳит бутунлай издан чиққанлиги такрор айтамиз, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг чуқурлашувига жуда катта салбий таъсир ўтказмоқда. Воқеалар ривожини диққат билан кузатиб турган, сабр косаси тўлган меҳнаткашлар адолат қарор топишини, нафақат олди-сотди билан шуғулланган моддий жавобгар шахслар, балки уларнинг тепасида турганларнинг ҳам қонун олдида баб-баробар жавоб беришини сабрсизлик билан кутишмоқда. Шундай бўлади ҳам. Чунки жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмагай.

**Турғунбой САГАТОВ,**
**Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.**

**ХАБАРЛАР**

## УЧИНЧИ ВА ТЎРТИНЧИ ҲАМКОР

***Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида "Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур семинар Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда уюштирилди.

Семинарда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши хусусида фикрлар билдирилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда, билимларини бойитишда ОАВнинг ўрни беқиёс. Учинчи ва тўртинчи ҳокимиятнинг биргаликда, ўзаро уйғунликда фаолият юритишлари эса бу борада айни муддао.

Анжуманда таъкидланганидек, Оммавий ахборот воситаларининг суд-ҳуқуқ идоралари билан ўзаро алоқалари ҳали қониқарли даражада эмас. Қачонки, ўзаро фикр алмашиш, алоқалар ривожлантирилса, жамоатчиликнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш йўлида янада илгари силжишга эришиш мумкин.

Семинарда қатнашган суд-ҳуқуқ идоралари ходимлари, журналистлар ана шулар борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев олиб борди.

**Д.МУРОДОВ**

## ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

***Олот туманида пахта тозалаш заводи қурилиши тез суръатлар билан бормоқда. Қурувчилар уни мамлакатимиз мустақиллиги куни арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.***

Заводнинг смета қиймати 1,5 миллиард сўмни ташкил этади. Бугунги кунгача унинг 900 миллион сўмга яқини ўзлаштирилди. Корхона тўла қувватда ишласа йилига 40 минг тонна хомашёни қайта ишлайди.

Олотдаги завод қурилиши билан вилоятдаги Қоровулбозор туманидан бошқа барча туманлар ўз пахта тозалаш заводига эга бўлади.

***"Туркистон-пресс"***



**Республикамиздаги шиша ишлаб чиқарувчи жамоалар қаторидан Хўжайли туманида янги барпо этилган корхона ҳам ўрин олди. Юздан ортиқ киши иш билан таъминланган мазкур корхонада бир сменада 16-17 минг дона сифатли, бежирим шиша идишлар ишлаб чиқарилмоқда.**

**СУРАТДА: смена устаси Мурат Кабатбаев.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ҲАВОГА УЧГАН ЁНИЛҒИ

**(Боши 1-бетда)**

Масалан, Жондор туманидаги Н.Ражабов номли ширкат хўжалигида нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш каби ишлар юзасидан юқорида номи келтирилган инспекция ходимларининг олиб борган текширишларидан маълум бўлдики, хўжаликда бу борада кўзбўямачилик содир этилган.

Ширкат хўжалиги пахта, дон ва мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган бўлиб, ҳосил етиштириш жараёнидаги агротехник тадбирларда ўтган йили 90 та автотранспорт ва механизмлардан фойдаланилган. Шу мақсадда 508 тонна дизел ёнилғиси олинган. Аслида эса хўжаликдаги мавжуд экин майдонларида агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш учун 488 тонна ёнилғи кифоя қиларди. Бундан кўринадики, йигирма тонна ёнилғи зиёд сарфланган. Бунча ортиқча чиқим хўжаликка қанча моддий зарар келтиргани энди мутасаддилар ҳукмига ҳавола.

Умуман олганда, хўжаликнинг ўтган 2002 йилда нефт маҳсулотларига бўлган харажатлари 67324,2 минг сўмни ташкил этган. Бу эса умумий сарфнинг 16,5 фоизи демакдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжаликда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари (ЁММ) мавжуд ерга ва экин турига нисбатан кўп ишлатилган. Ва бунинг ҳам маълум сабаблари бор. Чунки аксарият ҳолларда таъмирда турган тракторларга ҳам гўёки у ишлаётгандек "ёнилғи берилди" қилиб кўрсатилаверган. Бу ишнинг бошида эса хўжаликнинг ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тарқатувчиси Ф.Шодиев деган шахс турган. Масалан, Йўлдош Рўзиевнинг трактори таъмирда турганлиги автосарой мудири Ф.Эргашев тузган табелда кўрсатилган бўлса-да, Ф.Шодиевнинг расмийлаштиришича, Йўлдошнинг трактори шу вақт мобайнида 23964 сўмлик, яъни 300 литрга яқин дизел ёнилғисини ёқиб юборибди. Энг ачинарлиси, бундай сохталаштириш ушбу хўжаликда 26 марта такрорланган. Оқибатда эса жами 492061 сўмлик дизел ёнилғиси, 77860 сўмлик дизел мойи, 25557 сўмлик веретен мойи ҳамда 2841 сўмлик нигрол мойи ноқонуний сарфланишига йўл очиб берилган. Албатта, бундан кимлардир манфаатдор бўлган. Лекин уларнинг хурсандчилиги узоққа бормади. Чунки текширув чоғида аниқланган ҳолатлар бўйича жавобгар шахсларнинг келтирилган зарарни икки-уч баробар зиёдаси билан қайтариб беришларига тўғри келди.

Мазкур ҳолатга ўхшаш қинғирликлар "Ўздавнефтгазинспекция" Бухоро вилоят бўлими масъул ходими Шуҳрат Жўраевнинг айтишича, Жондор туманининг "Ўзбекистон" ва Бухоро туманидаги "Чорбакр" ширкат хўжаликларида ҳам рўй берган экан. Айбдорлар жазосиз қолгани йўқ, албатта. Хўжаликлардаги ёнилғи таъминоти учун масъул шахсларнинг ўйламай-нетмай ортиқча исрофгарчиликларга кўр-кўрона йўл қўйишганини қандай баҳолаш мумкин? Албатта, улар бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, қабилида иш тутишган. Чунки пул ўзиники эмас. Қанча зарар бўлса хўжаликнинг зиммасига тушади! Ушбу ҳолатларни кўриб туриб хўжаликларнинг фермерликка айлантирилаётганлиги айни муддао эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Фермер қанча фойда кўрса ўзиники. Маблағни қандай ишлатиш эса унинг ўзига боғлиқ. Шубҳасизки, фермер ўз зиёнига иш қилмайди. Айни пайтда "Чорбакр" ширкат хўжалигига қарашли 50 та тракторнинг 30 тасидан аккумуляторсиз фойдаланилмоқда. Битта тракторни аккумуляторсиз ишлатганда йил давомида 500 килограмм ёнилғи ортиқча сарф қилинар экан. Хўжаликдаги мазкур аккумуляторсиз тракторлар йил давомида 15 тонна ёнилғини беҳуда исроф қилади.

Юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан ишга масъулиятсизлик билан ёндошув ва амалдаги тартиб-қоидаларга амал қилмаслик ёки уларни менсимаслик яққол сезилиб турибди. Оқибати эса уларнинг назарида арзимас бўлиб туюлаётган ёнилғилар тўпланиб бориб хўжаликка, умуман жамиятга катта зарар келтириши маълум. Ахир ҳар бир литр сарфланаётган ёнилғи шу хўжаликда яшовчи ва ишловчиларнинг меҳнатлари эвазига олинади. Мақолада номлари келтирилган кимсалар шуни унутишган. Натижада фаолиятининг охири "вой" билан тугади. Бундан бошқалар ҳам хулоса чиқаришса, мана шундай "вой"лар камроқ бўлармиди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Фарғонада шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Анжуманда шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган 60 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларидаги мингга яқин бўш иш ўринлари борасида маълумотлар беришди.***

Шу куни ярмаркада 650 нафар фуқаро ўзига маъқул бўлган мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмаларга эга бўлдилар.

Бундан ташқари, иш изловчилар ишга жойлашиш ва ижтимоий ҳимояга эга бўлиш масаласида меҳнат қонунларида белгиланган ҳуқуқлари юзасидан малакали ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам олишди. Ярмаркада кадрлар билан ишловчи мутахассислар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

***"Туркистон-пресс"***

АГРАР СОҲА:

# МУАММО ВА ЕЧИМ

(Боши 1-бетда)

Халқимизни ўзимизда етиштирилган дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришишда ғалла экинлари селекцияси ва уруғчилигини тубдан яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган серҳосил, сифатли ғалла навларини яратиш ва тезликда ишлаб чиқаришга жорий этиш шу соҳа мутахассислари олдига вазифа қилиб қўйилди.

Кейинги йилларда янги навлар яратилган бўлса-да, ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг тола чиқиши 32-34 фоиздан ошмаяпти. Ҳосилдорлик хусусида икки мулоҳазани айтиш зарур. Бир хил навдан минтақаларда турлича самара олинмоқда. Умумий манзара ҳам яхши эмас. Хусусан, 225 минг гектар ерда ҳосилдорлик 10-15 центнердан ошмаяпти, 600 минг гектарга яқин майдонда эса бу кўрсаткич 15-20 центнерни ташкил қилмоқда. 1996 йили ғалла ҳосилдорлиги гектарига 18,9, 1998 йили 23, 2000 йили 26,8, 2002 йили 40 центнер бўлди.

Пахта ҳамда ғалла ҳосилдорлигининг пастлигига кўп жиҳатдан мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган агротехник тадбирлар тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда минтақаларда етарлича қўлланилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда 32,2 миллион гектар ерда қарийб 19,3 миллион, шу жумладан 1,2 миллион тонна ингичка толали пахта етиштирилади, пахта толаси 104 мамлакатда қайта ишланади. Жаҳоннинг барча мамлакатларида йилига 215 млн 180 минг гектар ерда буғдой, 55 миллион 698 минг гектар ерда арпа етиштирилади – бу икки экин ҳосилдорлиги гектарига тегишлича 27,06; 24,40 центнерни ташкил этади, 582 миллион 223 тонна буғдой, 135 миллион 915 минг тонна арпа олинади.

Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштирувчи мамлакатлар орасида энг шимолий минтақада жойлашганлиги туфайли яратилаётган янги районлашган ва истиқболли ғўза навлари ҳосили 110-115 кунда, кечи билан 125-130 кунда пишиб етилиши зарур. Ҳосил йиғиб-териб олиниши учун ҳам маълум муддат керак.

Тармоқ ходимлари олдидаги асосий йўналиш яратилаётган ғўза навлари ҳосилининг асосий қисмини ёғинсочинга қолмасдан, сентябр ойидаёқ тўлиқ йиғиштириб олинишига эришишдан иборат. Сўнг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб минтақалар бўйича ишлаб чиқилган - илмий асосланган деҳқончилик тизимига тўлиқ риоя қилинган ҳолда 15 сентябрдан - 10 октябргача гектарига 200-250 килограмм уруғ сарфлаб, ғалла экиб бўлинишига эришиш кўзланган мақсаддир. Ёғингарчилик кам тушадиган вилоятларда тўлиқ кўчат олиш учун албатта суғориш, биринчи совуқ тушгунча экинларнинг тўлиқ туплашини таъминлаш, албатта ўғитлаш мақсадга мувофиқ. Ўғитни шудгор, экиш билан бирга, тўлиқ туплашда, найчалаш ва ғалла 20 фоиз бошоқланганда солиш тавсия этилади. Кўп йиллик тажрибада юқори ҳосил берадиган майдонларга кўпроқ ўғит бериш зарурлиги исботланган. Ер ости сувлари сатҳига қараб 2-4 маротаба, 5-6 маротаба ва 7-8 маротаба суғорилса, 50 центнер ва ундан ортиқ ҳосил олишга эришилади.

Пахта ва ғалла етиштириладиган минтақалар, ҳатто туманлар, айрим хўжаликларда тупроқ-иқлим шароитининг хилма-хиллиги ишни шунга хос равишда ташкил қилишни талаб этади. Тупроқ таркибининг турлича эканлиги ва ер ости сувлари ҳар хил чуқурликда жойлашганлиги обиҳаёт сарфининг экин турлари бўйича ўзгариши асосида сувдан фойдаланиш режасини тузишни, сув лимитига тўлиқ риоя қилинишини тақозо этмоқда. Мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерларнинг янгидан мелиоратив-гидромодул районларга бўлинишини ишлаб чиқадиган вақт келди, шекилли.

Янги районлашган ва истиқболли пахта ҳамда ғалла навларини тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб танлаб экилиши бўйича энг мақбул тавсиялар бериш, парваришга доир илмий асосланган агротадбирлар тизимини минтақалар бўйича алоҳида-алоҳида тайёрлаб, ишлаб чиқаришга жорий этиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2002 йилда 1.421.400 гектар майдонда пахтанинг ўрта ва ингичка толали навлари етиштирилди. Бухоро-6 нави – 286,2 минг, С-6524 - 281,5 минг, Оқдарё-6 - 152,8 минг, Ан-Боёвут-130,5 минг, 175-Ф - 68,7 минг, Оққўрғон -268,0 минг, С-2609-51,0 минг, С-4727-49,3 минг, С-6530-46,3 минг, Наманган-77 - 34,2 минг, Омад-32,0 минг, Тошкент-6 - 30,6 минг, Армуғон-25,6 минг, Гулбаҳор-22,4 минг, Хоразм-127 - 14,9 минг, Юлдуз-19,0 минг, Термиз-31 - 17 минг гектар майдонни эгаллади. Ғалладан сўнг 29,0 минг гектар майдонда "Юлдуз", Тошкент-6, Наманган-77, Оқдарё-6, Термиз-31 навлари Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятларида етиштирилди.

2002 йили Бухоро-6, С-6524, Оқдарё-6, Ан-Боёвут-2 навлари 852,0 минг, қолган 20 дан ошиқ нав эса қарийб 569,4 минг гектар ерга экилганлиги кузатилди. Ҳосилдорлик Андижонда 34,7, Бухорода - 28,5, Сурхондарёда - 26,5, Фарғонада - 26,3, Навоийда - 25,8 центнерни ташкил этди. Қорақалпоғистон, Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятларида пахта ҳосилдлорлиги ўртача 9,0-16,5 центнерда қолди. Айрим хўжаликлар, фермерлар, ижарачиларда бу кўрсаткич 10-15 центнердан ошмади. Ваҳоланки, 28-30 центнердан кам ҳосилдорлик қилинган харажатлар сарфини қопламайди.

Ғўза ва ғалла парвариши бўйича илмий асосланган агротадбирларни ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий этишга кўп йиллик тажрибага эга бўлган деҳқонларни, мутахассислар, раҳбарлар, олимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Уларни деҳқончилик тизимига киритиш маъсулиятли иш ҳисобланиб, шу соҳа мутахассисларидан катта билим, деҳқончилик илмидан мукаммал хабардорлик талаб этилади.

**Ж.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти директори.**
**А.АВЛИЁҚУЛОВ,**
**Ш.АБДУАЛИМОВ,**
**бўлим бошлиқлари.**


OSIYO BATAREYA

QO'SHMA KORXONASI

БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СОҲИБЛАРИГА 20 ТУРДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТЛАРНИ

Таклиф этади

БИЗНИНГ АККУМУЛЯТОРЛАРИМИЗ:

-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚЛИМИГА МОС.

- ЮҚОРИ ҚУВВАТГА ЭГА.

- ЭНГ АСОСИЙСИ ИШОНЧЛИ ВА ЎРНАТИШГА ҚУЛАЙ.



СОТИБ ОЛИНГ, СИНАБ КЎРИНГ, СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ!



Телефонларимизни эслаб қолинг:
8-(3712) 48-07-20; 48-07-30;
48-07-40; 48-50-70.
Факс: 48-07-50.






Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.



Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал: шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.
Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.


## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### ИСРОИЛ: ХАМАС ТУГАТИЛАДИ

***Исроил ҳукумати чоршанба куни юз берган террор актидан сўнг, мамлакат қуролли кучларига ХАМАС ташкилотини йўқ қилишга расман буйруқ берди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.***



Бу ҳақдаги буйруқ мудофаа вазири Шоул Мофазнинг армия қўмондонлари билан учрашганидан кейин эълон қилинган. 11 июн куни эса Қуддус шаҳри марказида автобус портлагани боис 16 киши ҳалок бўлган эди. Ушбу террор акти жавобгарлигини ХАМАС ташкилоти ўз зиммасига олган. Сешанба куни ташкилотнинг сиёсий етакчиларидан бири Абдулазиз ал-Рантисси ўлдириб кетилгач, ХАМАС унинг учун қасос олишини маълум қилган эди.

### ИНСПЕКТОРЛАР ЭРОННИ ТАРК ЭТДИЛАР

***"Wall Street Journal" газетасининг ёзишича, 9 июн куни Эронга ташриф буюрган МАГАТЭ инспекторлари ядровий объектларга киришлари учун рухсат берилмагач, 11 июн куни улар мамлакатни тарк этганлар.***



Маълум бўлишича, инспекторлар "Kalaye Electric Company" компаниясига тегишли ядровий ёнилғилар ишлаб чиқарувчи заводга киритилмаганлар. Ҳукумат эса ушбу ҳолатни мазкур махфий объектда ядровий қуроллар яратишда керак бўладиган ашёлар ишлаб чиқарилмайди, балки тинчлик йўлида фойдаланилади, дея изоҳлаган.

Аммо, Теҳрон шаҳрида амалдаги тузумдан норози кишилар намойиш ўтказишаётган бўлиб, уларнинг аксариятини талабалар ва мухолифатчилар ташкил этган.

### АҚШ ЗАМОНАВИЙ ҚУЛДОРЛИККА ҚАРШИ

***Қўшма Штатлар ҳукумати одам савдосига қарши кураш борасида амалий чоралар кўрмаётган 15 та давлатга қарши жазо чоралари қўллашини маълум қилди.***



Вашингтон тузган 15 давлатдан иборат рўйхатда эса Белиз, Бирма, Босния-Герцеговина давлатлари биринчи ўринларни банд этганлар. АҚШ давлат департаментининг тайёрлаган йиллик ҳисоботида ёзилишича, ҳар йили 900 мингга яқин киши замонавий қулдорлик маҳсулотига айланар, уларнинг аксарияти жинсий алоқа савдосига жалб этилар экан. Бундай "қора савдо" билан шуғулланаётган жиноий гуруҳлар эса йилига 10 миллиардлаб фойда олишмоқда.

### ДУШАНБЕДА "ГАЗЕЛЬ" ПОРТЛАДИ

***Кеча Тожикистон пойтахтида "Газель" русумли автомобилнинг портлаши боис унинг ичида кетаётганларнинг бири ҳалок бўлган ҳамда 5 нафари жароҳат олган, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.***



Ҳозирда жабрланганлар шифохонага ётқизилганлар. Аммо улардан 3 нафари оғир аҳволда. Душанбе давлат автомобил назорати бошқармасининг билдиришича, фожиа террор ҳуружи, дея тахмин этилмаган, балки техник носозлик, яъни автомобил ёнилғиси саналган газнинг портлаши сабаб бўлган. Портлаш натижасида машина иккига ажралиб кетган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**


UZ-DAEWOO

"Асака" банки "ЎзДЭУавто" компанияси билан биргаликда автомобилларни 2003 йил 1 августгача КРЕДИТГА сотишни давом эттирмоқда

Шошилинг!



Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда

ASAKA BANK



Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда 2 йил давомида тўланади.



Автомобиллар ҳақидаги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!

Кредит таъминоти учун гаровга қўйилган автомобилларни "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси турли қалтисликлардан қулай тариф ставкаларида суғурта қилади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-34-78; 133-31-32.



Тўлиқ маълумотлар олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун "ЎзДЭУавто" компаниясининг ҳудудлардаги расмий дилерларига мурожаат этинг.



ХЎЖАЛИК, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги

EFFEKTIV OIL

хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда

МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКЛАРИНИ СОТИБ ОЛАДИ

✓ Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.

☞ Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53
Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83

Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.


# ҲАКАМЛИК МАСЪУЛИЯТИ

***Маълумки, Яқин Шарқ можароси асрдан-асрга ўтаётган ўта мураккаб муаммо. БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши, бошқа халқаро ташкилотлар, дунё сиёсатининг йўналишини белгилайдиган йирик давлатлар кўп йиллардан бери бу мураккаб муаммонинг ечимини топа олмаяптилар. Натижада минтақада террористик хуружлар, қонли хунрезликлар, зўравонликлар давом этмоқда. Наҳотки, бундай мудҳиш жараён бундан кейин ҳам давом этаверса ва муаммо XXI асрда ҳам ўз ечимини топмаса?!***

Албатта, бу савол ҳаммани ташвишлантиради. Ҳозир ҳам жаҳон ҳамжамиятининг барча саъй-ҳаракатлари ва жаҳон жамоатчилигининг бутун диққат-эътибори Яқин Шарқ можаросига қаратилган. Айниқса, Ироқ воқеаси бартараф этилганидан кейин бу можаро энг долзарб масала сифатида яна кун тартибидан жой олди. Тўғриси, бу борада Америка Қўшма Штатлари ташаббусни қўлга олди. АҚШ, Россия, БМТ ва Европа Иттифоқи иштирокида Яқин Шарқ можаросини босқичма-босқич ҳал этишнинг "йўл харитаси" деб ном олган режаси ишлаб чиқилди. Бу режа можарони ҳал этиш йўлида ғоятда муҳим қадам бўлди.

"Йўл харитаси" аввало Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан Фаластин мухторияти бош вазири Маҳмуд Аббосга, қолаверса, бир қатор араб давлатлари, жумладан, Миср, Саудия Арабистони, Иордания, Баҳрайн раҳбарларига маъқул бўлди. Хўш, "йўл харитаси" режасининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?! Дастлаб томонлар бир-бирларида ишонч уйғотиши ...н ён босадиган қадамлар ташлашлари зарур. Яъни, Фаластин томони террористик хуружларни тўхтатиши ва ўз ҳудудида сайлов ўтказиши, Исроил томони эса босиб олинган ҳудудларда турар-жойлар қуришни тўхтатиши ва бу ҳудудлардан ўз ҳарбий бўлинмаларини олиб чиқиб кетиши зарур. Иккинчи босқич дастлабки ён босиш сари қўйилган қадамдан бошлаб 2003 йилнинг декабрь ойигача бўлган муддат. Бу даврда вақтинчалик чегаралари белгиланган мустақил Фаластин давлати эълон қилинади, шу масалада халқаро конференция чақирилади ва режанинг ижросини назорат қилиш учун халқаро кузатувчилар гуруҳи тузилади. Энг масъулиятлиси ва ҳал қилувчиси учинчи босқичдир. Қарийб икки-уч йил давом этадиган бу босқичда иккинчи марта халқаро конференция чақирилади, чегаралар аниқ қилиб белгиланади, Қуддус шаҳри бўйича, шунингдек, қочоқлар ҳамда босиб олинган ҳудудлардаги яҳудийларнинг аҳоли пунктлари бўйича шартномалар имзоланади. Умуман, Исроил билан араб давлатлари ўртасида тинчлик шартномасини имзолаш билан можарога барҳам берилади ва минтақанинг доимий мақоми белгиланади.

**НИГОҲ**

Бу режа шунчалик мукаммал ва ҳаммага маъқул экан, уни амалга оширишга дарҳол киришиш зарур эмасми, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, Ариэл Шарон билан Маҳмуд Аббосга маъқул бўлган бу режани маъқулламаётган сиёсий кучлар ва гуруҳлар Исроилда ҳам, Фаластинда ҳам оз эмас. Улар турли сабабларни рўкач қилиб, ҳар қандай муроса йўлини ўзларича хиёнат деб баҳоламоқдалар. Жумладан, экстремистик кайфиятдаги яҳудийлар Ариэл Шароннинг Акаба шаҳрида Маҳмуд Аббос билан бўлиб ўтган учрашувини ҳамда "йўл харитаси"ни "терроризм олдида таслим бўлиш" деб атаб, Қуддус шаҳрида ва бошқа жойларда намойишлар ўтказдилар. Ўз навбатида Маҳмуд Аббоснинг тинчликка эришиш йўлида тийилиб туриш ҳақидаги даъватлари Фаластинни озод қилиш халқ фронти, "Ислом жиҳоди", ХАМАС гуруҳлари томонидан эътиборсиз қолмоқда. Улар мақсадга эришиш йўлида қуролли қаршилик кўрсатишдан воз кечмоқчи эмаслар. Ана шундай қалтис бир пайтда ХАМАС раҳбарларидан бирига суиқасд уюштирилди. У ярадор бўлди, бироқ тинч аҳолидан бир неча киши ўлди, кўплаб одамлар жиддий жароҳат олдилар. Фаластинликлар ҳарбий вертолёт ёрдамида ҳаводан уюштирилган бу хуружни жавобсиз қолдирмасликка сўз беришди. Шундай қилиб, минтақада вазият яна кескинлашди. Бундай ҳолат, сўзсиз, Шарм аш-Шайхдаги араб-америка учрашувида эришилган келишувларга ҳамда АҚШ, Исроил, Фаластин раҳбарлари иштирокида Акабада ўтказилган саммит натижаларига соя солади. "Евронъюс"да берилган хабарга қараганда, Жорж Буш юз берган ҳолатдан ташвиш билдириб, "бундай ҳаракат Исроилга тинчлик келтирмайди" деган ва томонларни бундан кейин тийилиб туришга чақирган. Албатта, "йўл харитаси" режасига зид ҳар қандай хатти-ҳаракатдан Россия, БМТ ва Европа Иттифоқи ҳам ташвишда.

Агар кейинги эллик йилдан кўпроқ вақт мобайнида Яқин Шарқда Фаластин – Исроил можароси бўйича ўтказилган учрашувлар, мулоқотлар ва музокараларни, эришилган келишувлар, баёнотлар ва аҳдлашувларни, қабул қилинган қарорлар, резолюциялар ва бошқа ҳужжатларни санасангиз саноғига етолмайсиз. Улар жуда кўп. Бироқ ҳаммаси ҳам деярли бажарилмай қоғозда қолиб кетди. Тўғриси, мақсадга эришиш учун қарама-қарши томонларга муносабатларда бир хил ёндашув, яъни холислик ва ҳаққонийлик зарур. Агар ақлидрок устувор бўлса, буни жаҳон ҳамжамияти уддалаши мумкин. Бунда ҳакамлик масъулиятини ўз зиммасига олган давлатлар ўта холис ва қатъиятли, бирон-бир манфаатдан холи бўлишлари керак. Шундагина Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатилиши мумкин.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**шарҳловчи.**

# САМАРҚАНД САФАРИ



(Боши 1-бетда)

Истаган вақтингда ёнингга бир-иккита кўнгил тортар жўраларингни оласан-у, йўлга отланаверасан. Қарабсанки, эрталаб йўлга чиқсанг, пешинга қолмай Самарқандда юрибсан, унинг ҳар қандай танга қувват берадиган тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оляпсан,муқаддас жойларини тавоф қиляпсан, узоқ давр улуғ пойтахт бўлган шаҳарнинг шоншавкати ва шукуҳидан лаззатланяпсан...

Бу гал мени "Истиқлол меъмори" деган китобчамнинг тақдимоти учун Самарқандга таклиф этишди. Очиғини айтганда, соғлиғимнинг мазаси йўқроқ, олис сафарларга юришим мушкулроқ эди. Лекин Самарқанд соғинчи устун келди. Самарқандлик дўстларимнинг дийдорини кўриш, суҳбатларидан яна бир бор баҳраманд бўлиш иштиёқи устун келди. Ва биз йўлга отландик. Биз деганим – юқорида эслатган китобни нашр этган "Адолат" нашриётининг директори, ношир ва адабиётшунос Маҳмуд Сатторов, шогирдим таниқли адабиётшунос, Миллий университет профессори Абдуғафур Расулов, таниқли шоир Мирпўлат Мирзаев... Улардан ташқари қизим Муҳаббат билан иккита неварам Камола ва Дилдоралар ҳам бизга ҳамроҳ. Мирпўлат ҳам Зарифа деган 10 яшар қизини олиб олган. Шундай қилиб, биз 21 май куни эрта тонгдан иккита машинада "Қайдасан, Самарқанд?" дея йўлга тушдик. Машиналаримизнинг иккови ҳам бориб келгунча бирор жойи панд бермади, "қилт" этмай, жуда равон юриб, йўлимизни осон қилди. Уларнинг иккови ҳам ўзимиздан – Асакадан чиққан, ўзимизнинг ўзбек йигит-қизлари томонидан бадастир қилинган машиналар. Улар оқ тўшлари билан ҳавони ёриб, худди парвозга интилгандек елиб борар эканлар, беихтиёр ўтган аср бошларида машҳур бўлган жадид шоири Таваллонинг миллатнинг аҳволига ачиниб, ҳам алам, ҳам киноя билан оврўполикларга хитоб қилароқ, "қани, олиб келинг, аэроплан-у автомобилингизни, Қўқон аробамиз билан чопиштирамиз", деган гаплари эсимга тушади.



Ҳа, бугун дунёда автомобил саноатига эга бўлган мамлакатлар унчалик кўп эмас. Ўзбекистон ҳам шуларнинг бири. Мустақиллигимиз шарофати билан қўқон аравамизни эмас, замонавий, пишиқ, гўзал, тезюрар машиналаримизни бошқа юртларнинг машиналари билан "чопиштириш" имконига эга бўлдик. Шундай қилиб, бу йилги баҳорнинг ҳаддан зиёд намхуш ҳавосидан симириб, худди кинодагидек бир-бирини алмаштириб турган манзараларни томоша қилиб, бу равон ва кенг йўлларни қурган азаматларнинг ҳақига дуо қилиб кетиб боряпмиз. Мен беихтиёр йўллар ҳақида ўйлайман. Йўл ҳар қандай юртнинг бебаҳо бойлиги, унинг фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим омил. Шунинг учун йўлни бежиз мамлакатнинг қон томирига ўхшатишмайди. Мен кўрганим – баъзи бир мамлакатлар йўлларининг норасолигидан, жиндай ёмғир бўлса, юриб бўлмайдиган аҳволга келишидан кўп азият чекишган ва жуда кўплаб моддий зарар кўришган. Шулар эсимга тушганида ўзимча юртимиз учун, унинг йўллари учун гердайиб қўярдим. Негаки, бизнинг йўллар Американинг довруғи кетган йўлларичалик бўлмаса-да, ҳар қалай унча ёмон ҳам эмасди – мана, ҳозир кетиб бораётган йўлимиз ҳам – мана, салкам ярим асрдирки, халқимизнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. Мен бу йўллардан ҳар йили камида бир-икки ўтардим – Тошкент талабалари куз бошланиши биланоқ аудиторияларни тарк этиб, пахта далаларига - ҳашарга ошиқарди. Шунда бу йўллар жуда серқатнов бўлиб кетарди. Бундан ташқари бу янги йўл Самарқандгача бўлган масофани камида 70-80 чақиримга қисқартирган эди.

Сирдарё кўпригидан ўтиб, бироз юрганимиздан кейин кутилмаган тўсиққа рўпара келдик. Йўлнинг ўртасига шлагбаумлар қўйилган, бир чеккага соқчиларнинг уйи ҳам қўққайтириб қўйилган, девдек-девдек йигитлар қўлларида қурол кўтариб олган ҳолда ҳаракатни таққа тўхтатишган эди. Йўл Ўзбекистонники эди, лекин 20-30 километри бошқа республика ҳудудидан ўтган эди. Шунинг учун ҳар хил иқтисодий ва бошқа зараркунандаликларнинг олдини олиш учун йўл бутунлай ёпилибди. Посбонлар бизга Гулистон шаҳри орқали айланиб ўтишимиз кераклигини айтишди. Биз бундай қилолмас эдик, чунки Самарқандга соат 1 га етиб боришимиз керак эди. Посбонларга ялиниб-ёлбордик, лекин улар сира кўнишмади. Ниҳоят, уларнинг раҳбарларидан рухсат олганимиздан кейингина шлагбаум очилди. Биз йўлда давом эта бошлагандан кейин худди ўзимизни етти ёт бегона, хорижий мамлакат ҳудудига кетаётгандек ҳис қилдик. Лекин кўнгил қурғур бунга сира кўника олмасди – нечук, ахир, бу жойлар Хорижистон бўлсин, ахир, бу йўлларнинг ҳар қаричи танишку? Бу йўллардан юрганда, чанқасак, тўхтаб сув ичардик, бензинимиз тугаб қолса, истаганча бензин олардик. Мен бўлсам, катта йўлдан жиндай четга чиқсам ҳам Славянка деган шаҳарчадаги китоб дўконга кириб чиқардим – у ерда жуда яхши китоблар бўларди. Энди бўлса буларнинг ҳеч қайсиси йўқ. Нега? Худо билади. Йўл деган нарса гавжумлиги, ҳаракати билан файзли бўлар экан. Ҳаракатнинг йўқлиги ҳам майли-я, биз бу постимиздан нариги постимизга етиб боргунча, йўлда биронта ҳам қўшни давлат посбонларини учратмадик. Гўё йўлни қўриқлаш, иқтисодий ҳимояланиш ва ҳоказо каби ҳарбий-маъмурий тадбирлар уларга мутлақо керак эмасдай... Шунақа ҳам беparволик бўладими? Ҳеч бўлмаса, кўнгил учун бир марта-ярим марта тўхтатиб, "Кимсан? Қаёққа кетяпсан? " демади. Йўқ, бунақа дейдиган одам топилмади. Мен китоб-у адабиётга андармон бўлиб умр ўтказган бир одамман, шунинг учун бу "кўп қадим йўлларнинг" ёпиб қўйилганига, минглаб йиллар давомида бир-бирига қўшни, далалари, ҳовлилари бир китобнинг икки бетидай бир-бирига туташ халқларнинг кунларига яраб келган йўлнинг энди ишга ярамай қолганига сира ақлим етмайди. Бошқа томонини қўйиб турайлиг-у, бизнинг, яъни ўзбекларнинг минглаб транспорт воситалари бугун ҳам Тошкент билан Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хоразм ўртасида қатнаб турибди. Бирор азамат бу транспорт воситаларининг айланма йўлдан юриши неча пулга тушаётгани, қанча миллионлаб маблағимиз беҳуда исроф бўлаётганини, қанча ортиқча ёнилғи-ю, қанча вақт беҳуда кетаётганини ҳисоблаб чиқдими? Кимдир йўлнинг ёпилганига бизнинг валютамиз қўшни бозорга ўтиб кетаётганлигини баҳона қилиб кўрсатди. Қизиқ, валютамиз ўтиб кетаётган бўлса, бунинг эвазига юртимизга мол олиб келинадику? Наҳотки, айланма йўлда йўқотаётган маблағимиз қўшни бозорига ўтиб кетаётган пуллардан кам бўлса? Шунақа ақлим бовар қилмайдиган нарсаларни ўйлаб, йўлнинг анча қисмини ўтиб ҳам қўйибмиз.

Сўнг Жиззахни четда қолдириб, тепалар ва адирлар орқали Темур дарвозасидан чиқдик, ундан нарёғи Зарафшон водийси, уфққа астойдил тикилиб қарасангиз, Самарқанд гумбазларини кўрасиз. Аммо Самарқандга етганча ҳам, йўл-йўлакай қанчадан-қанча жаннатмонанд жойлар, олижаноб одамлар бор. Ўзбекистонда Бахмал деган жойни эшитмаган, Ўсматнинг булоғидан сув ичмаган одам топилмаса керак. Бахмалнинг олмаси-ю нокларини, сути-ю қаймоғини бир татиб кўрган унинг таъмини бир умр унутолмаса керак. Лекин бу заминнинг гўзал гўшалари фақат Ўсматдангина иборат эмас. Бир йили Самарқанддан келаётиб, ўнг томондаги бир йўлга тасодифан кириб қолдик-да, уч-тўрт чақирим юрмасдан, шунақа бир жойга рўпара келдикки, унинг тенгсиз гўзаллигидан ақллар шошиб қолди. Бу жойни Авлиё булоқ деб атар эканлар. Ривоятларга қараганда, қадим замонларда бу ердаги қирларда дини ислом учун катта жанглар бўлган экан. Жангда бир авлиёнинг бармоғини ёв қиличи узиб ташлабди. Бармоқ ерга тушган жойдан булоқ отилиб чиқибди. Унинг ёнгинасида каттагина чуқурлик жой бор экан. Бир пастда унга сув тўлиб, ҳовуздан катта, кўлдан кичикроқ бир ҳавза ҳосил бўлибди. Ҳозир бу кўлчанинг теварагига дарахтлар экилган, шийпонлар ва айвонлар қурилган, кўлда катта-катта балиқлар жавлон уради, нонми ё гўштми ташласангиз, сувда патир-путур қилиб, ўйин кўрсатишади, талашиб-тортишиб ейишади. Балиқлар одамдан қўрқмайди. Кўлчанинг бир томонида тепалик устида иккита коттеж қўндирилган, узоқдан келган меҳмонлар шу коттежга тушишади, сув чиқиб кетадиган томонда кичикроқ чойхона бор. Бу жой аллақачон зиёратгоҳга айланган – одамлар ҳам зиёрат, ҳам тижорат дегандек, бу ерга келиб, зиёрат қилганларидан кейин, ўзлари овқат тайёрлашади, булоқ сувидан ичиб мазза қилишади, ўтириб дам олишади. Теварак-атрофда ҳаво дошқозондай қайнаб турганда бу ернинг шаббодаси танга роҳат бахш этиб эсади.

Авлиё булоқ бўйларида одам ҳамиша гавжум, лекин уларнинг биронтаси – на ёш, на кекса, на аёл, на эркак булоқдаги балиқлар билан ўйнашар экан, сувни булғатадиган бирон нарса ташламайди, ҳатто сувда бетини чаймайди ҳам. Шу ерда чекка жойларда таҳоратхоналар қилиб қўйилган - ҳамма кўзаларда сув олиб, шу ерда чайинади. Эҳтимол, қуйироқдаги бир неча қишлоқнинг шу сувдан тириклик қилиши одамларни сувни кирлантиришдан тияр ёки эҳтимол, тозалик бор жойда ҳамма нарса тоза дейилганидай, одамлардаги туғма гўзаллик туйғуси бирон ножўя ишлар қилишга йўл қўймас...

Йўлда давом этамиз. Бу кўҳна йўлларнинг ҳар чақирими хотирада қандайдир излар қолдирган, бирор ибратли нарсадан сабоқ берган. Жомбойга етиб келдик. Жомбойда ҳар хил ғаройиб, диққатга сазовор нарсалар кўп эди, аммо мени ҳаммадан ортиқ қизиқтирган нарса китоб эди. Жомбойда эса бутун Самарқанд вилоятидаги китоб савдосининг базаси жойлашган эди. Одатда базада китоб сотилмайди, лекин буни билсам-да, бетимнинг қалини, жонимнинг роҳати, деган мақолга амал қилиб, база мудирининг бетига термулиб ўтираверардим. Мудир ҳам китоблардан бермаса, бу елим меҳмондан қутулолмаслигини англарди-да, бирда кулиб, бирда жеркиб китоблардан олишга ижозат берарди. Мен чўнтак кўтарганча миқдорда китобдан олиб, пулини тўлаб, миннатдорчилик билдириб, хайр-хушлашиб чиқиб кетардим.

(Давоми келгуси сонда).

# SPORT OLAMIDA

## ТУРНИНГ МАРКАЗИЙ УЧРАШУВИ

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 12-тур учрашувлари пешқадам жамоаларга муҳим очколарни ҳадя этди.***

Турнинг марказий учрашуви ҳисобланаётган "Нефтчи"-"Насаф" баҳсида ҳар икки жамоа футболчилари ғалаба учун астойдил курашганликларини таъкидлаш жоиз. Шуниси қувонарлики, ўйинни бевосита кузатиш имконига эга бўлган ишқибозлар ҳар икки дарвоза томон уюштирилаётган тезкор ўйиннинг гувоҳига айланишди. Турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган "Пахтакор" таъқибчиси "Нефтчи" жамоаси учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Голларни "Нефтчи"дан Бердиев, Қўзибоев, "Насаф"дан Бердиқулов йўллашга муваффақ бўлишди.

Ўз "уй"ида "Андижон" билан куч синашган Вячеслав Гошиллин шогирдларига яна омад кулиб боқмади. Сабаби тошкентликлар қанчалик кўп ҳужум уюштиришмасин, дарвозалар бор-йўғи икки марта ишғол этилиб, учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Голларни тошкентликлардан Саидахроров, меҳмонлардан Асқаралиев йўллашга муваффақ бўлишди.

Турнир пешқадами "Пахтакор" жамоаси эса сафарда "Қизилқум" билан куч синашди. Маҳорат бобида майдон эгаларидан ҳар томонлама устунлик қилган Агамурадов шогирдлари учрашувни 4:2 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этишди. Дарвозаларни "Пахтакор"дан Крахмал (2 та), Николаев, Бикмаев, "Қизилқум"дан Идиатуллин ва Кузнецовлар йўллашди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Самарқанд-Динамо" - "Бухоро" 2:3, "Навбаҳор"-"Қўқон-1912"-5:1, "Гулистон"-"Дўстлик"-2:1, "Машъал"-"Цементчи"-2:1, "Металлург"-"Сурхон"-2:0.

Навбатдаги 13-тур баҳслари 18 июнда ўтказилади.

## "ЭНГ ЯХШИ КЛУБ"

***Пойтахтимиздаги "Бунёдкор" ёшлар телеклубида мамлакатимизнинг етакчи жамоаси "Пахтакор"нинг 2002 йилда Осиёнинг "Энг яхши клуби" номини олганлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда иштирок этган "Пахтакор" жамоаси бош мураббийси Тачмурад Агамурадов, ёрдамчи мураббий Виктор Жалилов, жамоа бошлиғи Самвел Бабаян, клуб директори Равшан Абдусамадов, матбуот вакили Улуғбек Мирзаев, ЎФФ матбуот котиби Вячеслав Ивановлар журналистларга "Пахтакор"нинг босиб ўтган йўли, тарихи ҳамда клубнинг келгуси режалари ҳақида сўзлаб беришди. Мулоқотлардан маълум бўлишича, "Пахтакор" ўтган йили ўз мухлислари қалбини шод этиб тўрт йиллик танаффусдан сўнг чемпионликни қўлга киритди. Бундан ташқари ўтган мавсумда биллур соврин соҳиблигини қўлга киритган "Пахтакор" бу борадаги рекордини янгилади. Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси тўрт марта Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Кубок баҳсларидаги биринчи йирик ҳисоб (6:3) ҳам "пахтакор"чиларга тегишли. Жамоанинг ўринбосарлари таркиби ҳам кейинги йилларда сермазмун ўйин намойиш этиб 1997 йилдан бери давом этаётган "Нефтчи" яккаҳокимлигига чек қўйганлиги, жорий йил бошида тошкентлик футболчиларнинг МДҲ Кубоги ҳамда Осиё Чемпионлар лигаси беллашувларида тўртинчи ўринни қўлга киритганликлари, айни кунларда ҳам турнир жадвалида биринчи ўринда бораётганликлари уларнинг Осиёда биринчи жамоа деб танилишларига сабаб бўлди.

## ЖАНГОВАР ДУРАНГ

***Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига сафар уюштирган мамлакатимизнинг икки карра чемпиони Тошкент вилоятининг "Дўстлик" жамоаси мезбонларнинг "Ордабаси" клуби аъзоларига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказиб, 2:2 ҳисобида дурангга эришдилар.***

Пойтахт вилояти жамоаси футболчиларидан Мухтор Қурбонов ҳамда Ойбек Усмонхўжаевлар тўп муаллифлари бўлишди.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЭРОНДА БЎЛАДИ

***Мини-футбол бўйича Азамат Абдураимов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.***

Айни кунларда нуфузли турнирга жиддий тайёргарлик кўраётган Азамат Абдураимов шогирдлари куни кеча Малайзиядан қайтиб келишди. Шуниси қизиқки, ўзбекистонликлар у ерда Эрон терма жамоасига қарши кечган дастлабки учрашувда 1:7 ҳисобида енгилган бўлсалар, англияликлар билан уюштирилган иккинчи ўйинда европаликларни 10:2 ҳисобида мағлуб эта олишди. Ушбу беллашувда майдонда ҳаракат қилган Азамат Абдураимов рақиблар дарвозасига 4 та тўп кирита олди. Лекин японияликлар билан уюштирилган учинчи баҳсда вакилларимиз 2:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Дарвоқе, айнан Малайзияда ўтказилиши мўлжалланган мини-футбол бўйича Осиё биринчилиги баҳслари Эронда ўтадиган бўлди.

**Имомали УЛФАТОВ** тайёрлади

Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2001 йилда Ишматова Ирода Рустамовна номига берилган № В-063205 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# АНТИҚА "ҚУТИ"

***Автобус ҳайдовчиси ишдан кейин салонни тозалар экан, ўриндиқда қолиб кетган чиройли кутичага кўзи тушди. Қўлига олиб у ёқбу ёғига қаради, "чиройли экан, кечгача ҳеч ким сўроқлаб келмаса уйга олиб кетаман", аҳд қилди у.***

Кечқурун уйига бориб хонани ичидан беркитиб олиб, аста қутичани очди.

-Ассалому алайкум, Бўтабой.

-И-э, валайкум ассалом, ким бу? У аланг-жаланг хонанинг тўрт бурчагига кўз ташлади.

-Бу мен, сенинг виждонингман – дея қутичадан овоз келди.

-Виждон? Қанақа виждон. Қайси виждон? – овози қалтираб сўради Бўтабой.

-Ҳа, ўша сен унутган Виждонингман, эсладингми? Ёки мени тамоман эсдан чиқардингми?

-Эҳ, ҳа, эсладим. Хўш нима сен мени инсофга чақирмоқчимисан?

-Ўзингни оқламай қўяқол, боя бир чолни ҳақоратлаб, пулини суғуриб олганинг эсингдами?

-Ҳа,ўзиям жуда паст экан, эллик сўм кам берди. пули йўқ экан, биздаям план бор, план беришимиз керак.

-Қўй, лоф урма, йиққанингни кассага эмас, киссага ураяпсанку, бу эртакларингни бошқаларга айтасан, мен сенинг ҳамма кирдикорларингдан огоҳман.

-Энди ўзинг биласан, машина ҳайдашнинг ўзи бўлмайди. Бошлиққа, йўлда турганларга бермасанг гараждан чиқмайсан. Бундан ташқари запчаст олиш керак, бола-чақа ташвиши дегандай, - қизариб-бўзариб ўзини оқламоқчи бўлди у.

-Запчаст бўлса майли, аммо бола-чақа ташвиши, болалар ризқу-рўзи дейсану, топганингни хотинларга сарфлайсан. Ҳар бир бекатда биттадан хотинингборлигини ҳеч ким билмайди дейсанми? Шуни айтадилар-да, "уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир" деб.

-Бўлди, бўлди ўчир. Хотин эшитмасин, нақд балога қоламан-а?

-Нимадан бошлай? Даштободдаги хотинингданми, Гулистондаги ўйнашингданми ё Тошкентдагисидан гапирайми?

-У-у-у, илтимос секинроқ, - Бўтабой қўллари қалтираганча қутичани ёпди.

Хонани сукунат босди.

-Эҳ, энди буни нима қилсам экан? Фойда кўраман деб, нақд балони бошимга кўтариб келибман-у.

Бўтабойни ғам босди. Ижирғаниб қутичага қаради. "Э, бўлди, бу даҳмазанинг ичига "лой суваб" эртага бошлиққа туҳфа қиламан, как раз бошлиқнинг "соққа" йиғадиган куни".

-Хўш, мулла Бўтабой, обкелдингизми?- Бошлиқ уни хурсанд кутиб олди.

-Ҳа, албатта хўжайин, мана, - у қутичани бошлиққа тутқазди.

-И-е, қуруғидан дегандим-ку.

-Қуруғи ичида, хўжайин.

-Маладес, санаб ўтирмайман, ўзинг ҳам роса шустирийсан-да. Аввалги маршурут ўзингники, қўрқмасдан босавер, лекин тез-тез кириб тур.

-Хўп бўлади, хўжайин.

-Ҳа, айтгандай, балон-малон келган "шапкаси"га чидасанг, сеники бўлади.

-Яхши раҳмат, бу хизматларингизни унутмаймиз. Исменшик билан маслаҳатлашиб кўрайлик.

**ҲАЖВИЯ**

Кечқурун уйига борган бошлиқ хилватхонасига кириб эшикни ичкаридан қулфлади-да, қутичани очиб, қалтираган қўллари билан пулни санай бошлади.

-Ҳорманг...

Бошлиқ бир сесканиб тушди-да, орқасига қаради, "бор бў..." Хонада ҳеч ким йўқ эди.

-Ҳа, намунча қўлинг қалтирайди, санайвермайсанми? - овоз чиқди қутичадан.

-Сиз... сиз кимсиз? Қаердасиз? - зўрға овози чиқди унинг.

-Қўрқма, ўзингни бос, нима биринчи бор оляпсанми?

-Ҳазиллашманг, жуда қўрқиб кетаяпман, кимсиз? Кўрсатинг ўзингизни.

-Мени танимайсан, мени эсдан чиқарганингга анча бўлган. Камина сенинг йўқотган виждонинг бўламан.

-Виждон?! Қанақа виждон?

-Ана танимадинг-а? шунақасан-да, ҳатто эслолмаяпсан.

-Бўлди, бўлди тушундим. Хўш нима истайсан мендан, қанчасини сенга берай?

-Менга-ку керакмас, аммо сен шопирлардан чўтал йиғиштиришни бас қил, уялмайсанми?

Менда ҳам катта харажат бор ахир. Унга, бунга чўзиш керак.

-Харажат бўлса, деворга шуваб қўйган кўлбола сейфингдан "кўкини" ол-да, ишлат.

-Вой, искович-ей, ҳидини олибсан-да.

-Ҳой, дадаси ким билан гаплашаяпсиз? Очинг эшикни, чиқинг овқатга!

-Ҳозир, - дея бошлиқ беҳосдан қутичани оғзини ёпди. Хонага жимлик чўкди.

-Хайрият, оғзини ёпсам, овози ўчар экан, - чуқур тин олди бошлиқ, - энди бу дардисарни қаерга ташласам экан?!

Кечқурун одамларнинг оёғи тингач, бошлиқ қутичани қўлтиғига қистириб чиқдида, кўчанинг нариги бетидаги боққа отиб юборди.

Айни шу пайтда бу ердаги хилват скамейкаларда бир қиз билан бир йигит бир-бирига суйкалиб ўтиришарди.

-Вой, бир нима тушди, - деди қиз йигитнинг бағридан сирғалиб чиқар экан.

-Қўрқма, қутичага ўхшайди, - йигит қутини қўлига олди.

-Вой, жуда чиройли экан, менга беринг-чи?

-Шошма, ичини кўрайлик-чи. Зора худо берган бўлса.

-Ҳа, юзсизлар, ялашиб-юлқашиб бўлдингларми? деган овоз чиқди, қутичадан. Икковиям сесканиб тушишди.

-Нима, нима? - ўзига келган йигит, - кимсан ўзинг?

-"Нима, нима" эмиш, аввал уйлан, никоҳингга ол, кейин тонггача ўпаверасан, деяпман-да.

-Вой ўлмасам, бу уятсиз қутича нима деяпти, Шерзод ака? Нимага жим турибсиз?

-Сиз-чи ойимқиз, ойингизни алдаб, "туғилган кунга бораяпман" деб, ярим кечагача мана шу сўлоқмондай йигитга суйкалиб ўтиришга уялмадингизми?

-Кўп ҳаддингдан ошма, бир уриб пачоғингни чиқарайми, кимсан ўзинг?

-Ким бўлардим, сенинг виждонингман-да, гулдай қизни қулоғига лағмон осиб ўтирибсан, аввал уйланиб, хотинингни битта боласи билан кўчага ҳайдаб юборганингни айтганмисан?

-Вой шўрим, - қиз хўнграганча чопиб кетди.

Йигит "аблаҳ" дея, қутичани ерга отди-ю, қизнинг ортидан югурди, "Гулнора, жонгинам тўхтанг, илтимос..."

Эртаси куни имтиҳонга бораётган талаба қутичани боғдан топиб олиб, яхши баҳо олиш илинжида, домласига совға қилди...

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ**



**Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал!**

Р. Ҳайитов олган сурат-лавҳа.

# «СИР»ЛИ ҚУДУҚ

***Корейс миллатига мансуб икки оғайни Коля ва Миша ширкат хўжалигидан шоли экиш учун ижарага уч гектар ер олишганди.***

Уруғлик ҳам сепиб бўлинди. Сувдан-ку, ташвиш чекмаса бўлади. Бироқ, ичимлик суви бироз муаммо. Ариқдаги сувни қайнатиб ичса бўлади-ю, лекин қирғоқда чўчқахона бор. Жониворлар кун бўйи сувдан ташқарига чиқишмайди. Шунақа бўлгач, кимнинг ариқдан сув ичгиси келади, дейсиз.

Кўп ўтмай икки оғайни яхши бир тадбир топишди. Чилангар ошналаридан узунлиги 8 метр келадиган, эни 15 миллиметрлик темир қувур сўраб олишди. Кўпчилик "кран" ёки "кочалка" деб атайдиган қўл насоси ёрдамида ер тагидан сув чиқарадиган бўлишди. Қўлбола "қудуқ"ни уруғлик сепилган даладан уч метрча тепароқдан, чайланинг ёнгинасидан ўрнатиш белгиланди.

Ёз кунлари жуда иссиқ. Шундай пайтларда қудуқнинг муздек суви жонга роҳат беради. Қувур ерга икки метрча киргач, пастга силжиши қийинлашиб борди. Коля билан Миша оғирлиги уч пуд келадиган икки одамга мўлжалланган баҳайбат темир болға билан қувурнинг

**ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ**

тепа қисмига ураверив, қора терга ботишди. Хуллас, кечга яқин қувурнинг юқори томонига қўл насоси ўрнатишди. Ниҳоят, сув ҳам чиқазишди. Ичиб кўришди: ёмон эмас, дегандек бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Қарабсизки, бу муаммо ҳам ҳал бўлди. Лекин бир нарсага тушуниб бўлмасди. Қудуқдан эрталаб совуқ сув, тушдан сўнг, кун қизиган пайтда аксига олиб илиқ сув чиқарди. Коля ҳам, Миша ҳам бу сирнинг тагига ета олишмади. Начора, борига шукр, чўчқа ағанаган сувдан кўра шуниси ҳам яхшироқ.

Кунлар шу тахлит ўтаверди. Ва ниҳоят куз келиб, шоли ўрими бошланди. Буни қарангки, айни шу пайтда қудуқ ҳам сув беришдан тўхтади. Бир пайт шоли ўраётган Колянинг қўлидаги ўроқ нимагадир "карс" этиб урилди. Сергак тортган Коля овоз чиққан жойга энгашиб қаради. Шу чоқ ердан бир қарич юқорига чиқиб турган, учи найзасимон қилиб тузатилган 15 миллиметрлик таниш қувурни кўриб, Колянинг капалаги учди. Ниманидир тушуниб етгандай, пешонасига "шап" этказиб тушириди. "Демак, ёз бўйи сувни ер тагидан эмас, шолизордан ичган эканмиз-да. Нима сабабдан сувнинг эрталаб совуқ, тушдан кейин илиқ бўлишининг боиси бу ёқда экан. Демак, шолига сепилган маъданли ўғитларда ҳам, гербицидларда ҳам, чўчқалар лойқалатган сувда ҳам заррача ҳаққимиз қолмабди".

Маълум бўлдики, қувур ерга қоқилаётган пайтда қаттиқ тупроқ қатламини тешиб ўта олмасдан ён томонга қайрилиб, ер юзасига чиққан экан.

**Р. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 123-мактаб томонидан 1993 йилда Юсупова Озода Тўхтабаевнага берилган № 31166 "а" рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 8-мактаб томонидан 1997 йилда Норова Марҳабо Абдуллаевна номига берилган № O'R-A 108064 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳокимлиги томонидан 29.01.93 йилда Зверова Лариса Викторовна номига берилган 07-02/2475 рақамли квартира ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги Бош директори Матқул Ҳазратқуловга акаси **Абдулла ҲАЗРАТҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
**ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари); Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Р.ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-471, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 22.15 Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6